O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MOLIYA VAZIRLIGI

MINISTRY OF FINANCE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi, 29-uy
Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52, Faks: (998 71) 244-56-43

29, Istiqlol street, Tashkent, 100017
Tel.: (988 71) 239-15-69, 239-12-52, Fax: (998 71) 244-56-43

2022 й. " 06 " апрель

ҲДФУ___ нусхада

**Молия вазирлиги Ахборот технологиялари маркази**

**Давлат харидлари электрон тизимининг операторлари**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармалари**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг 2022 йил 5 апрелдаги 02-10 ва 01/03-04-32/185-сон қўшма хати билан барча бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган айрим харажатларини тўхтатиш ва мақбуллаштириш вазифаси юклатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиздан жорий йилнинг 7 апрелидан мазкур хатнинг 1-иловасида келтирилган харажат моддалари бўйича бюджет маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақлари (1000...) орқали давлат харидларини амалга оширишда эълон бериш (оферта танлаш, тўғридан-тўғри шартномаларни киритиш) имкониятларини чеклаш юзасидан тегишли чоралар кўришингиз сўралади.

Бунда ўрнатилаётган чекловлар мазкур хатнинг 2-иловасида келтирилган бўлим, кичик бўлимга мос келадиган шахсий ғазна ҳисобварақлари учун ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари бошланган ёки якунланган ҳолларда, шунингдек, рўйхатдан ўтган юридик мажбуриятлар билан боғлиқ харажатларга тадбиқ этилмаслиги назарда тутилиши лозим.

Илова __ варақда.

**Ғазначилик бошлиғининг биринчи ўринбосари** **М. Атаджанов**